

**Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини
мажбурий сугурта килиш буйича
шартномаси
01 -сон**

Наманган шаҳар

«10» Феврал 2022 йил

Кейинги ўринларда "Иш берувчи" деб аталадиган НВКТТМ
низо асосида ҳаракат қиладиган раҳбари Н. Юсупов бир томондан, ва
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2018 йил "19" апрелда берилган
SF-00228 лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда "Сугурталовчи" деб
аталадиган "O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyatining Наманган вилоят вилиалининг Янги
Водий сугурта маркази 2021 йил «26» августдаги 05-06/10Ф-22см сонли Ишоннома
асосида ҳаракат қиладиган раҳбар, **М. Анваржонов** орқали, иккинчи томондан, ушбу
шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1. Сугурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг
фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларига мувофиқ сугурта
ходисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда
олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда
меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда
шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлигига етказилган зарарни
тўлаш мажбуриятини олади.

2. Сугурта пули ва сугурта мукофоти

2. Сугурта пули ушбу шартнома бўйича 5145991625 (Беш млрд. Бир
юз қирқ Беш млн. 991 миң 625) сум, ни шу жумладан дафн этиш
ҳаражатлари ходим вафот этган тақдирда вафот этган кундаги **ЭНГ кам ойлик иш
ҳақининг 3 бараваридан** кўп бўлмаган миқдорни ташкил қилади.

3. Сугурта мукофоти ушбу шартнома бўйича 2938361 (Икки млн. Тўққуз
юз ўттиз саккиз миң 361) сўмни, ККС сиз ташкил қилади.

4. Сугурта мукофоти 100% туланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб ва ҳудудий газначилиқдан
руйхатдан утгандан сунг кучга қиради ва 1 (бир) йил мобайнида амал қилади.

Сугурталовчининг мажбуриятлари сугурта мукофоти сугурталовчининг ҳисоб рақамига
тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга қиради ва мажбурий
сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврининг охири санасидаги
24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Сугурта мукофоти иш берувчи томонидан сугурталовчининг ҳисоб рақамига пулни
ўтказиш ёки киритиш йўли билан туланади. Пул маб лағларининг сугурталовчининг ҳисоб
рақамига тушган санаси мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта мукофоти
тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

сугурталовчидан мажбурий сугурта килиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб килиш;

сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят килиш;

йиллик иш ҳақи миқдори қамайганда сугурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг қамайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий сугурта килиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда сугурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сугурталовчига ёзма шаклда хабар килиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сугурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, кўшимча ҳисоблаб чиқарилган сугурта мукофотини тўлаши;

ҳодимларни мажбурий сугурта килиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий сугурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

сугурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш кун ичида тақдим этиши;

сугурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш кун ичида мобайнида ёзма шаклда хабардор килиши;

агар сугурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган сугурта товони ҳақида сугурталовчига хабар килиши ва ортиқча тўланган маблағларни сугурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Сугурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

сугурта мукофотини аниқлаш учун сугурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Сугурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Сугурталовчи:

мажбурий сугурта килиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи сугурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асосланган ҳолда ёзма шаклда хабар килиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта

килиш коидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур хужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва сугурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Сугурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва қелишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Яқуний қоида

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби сугурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва сугурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Сугурталовчи

“O‘zagrosug‘urta” aksiyadorlik jamiyatii

Янги Водий суғурта маркази

Манзили: Навоий кучаси 9 уй

тел: 227-25-93, 227-28-93, 93-176-05-05

факс: _____

х/р 20216000300467732022

Банк номи: «Микрокредитбанк» Наманган вилоят филиали

МФО 00260 СТИР: 201344998

ОКОНХ: 96210

Раҳбар: М. Анваржонов



(имзо)

Сугурталовчи

Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази

Манзил: Наманган шаҳар

Н. Номонгоний кўчаси 9-уй

Тел: (998) 78 223-08-30

Шхр: 401421860144017073101054002

СТИР: 200356300 ОКЭД: 91511

Х/р: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

Манзил:

тел:

ШХВ:

Бюджетдан маблағ олувчи ИНН:

ОКОНХ

Уз. Рес. Молия Вазирлиги Гозначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ

Тошкент шаҳар бош бошқармаси

МФО: 00014

Гозначилик булинмаси ИНН: 201122919

Раҳбар: Ар. Отаев



(имзо)

+99893 050 22 52 - отаев

“Ўзагросуғурта” АЖ

Наманган вилоят филиали

Бош юрист консультанти:

Х.Нажмиддинов

(Signature)



Юрдалик шахсни давлат бўйхати билан ўтказишга аришти тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Республикадаги гувоҳнома № 947

2015 й. 26 июнь

Маълум турдаги "O'zagsug'urta" aksiyadorlik jamiyati

акция номи ва "O'zagsug'urta" AJ

97/дан қоралар

давлат ташкилати (шарҳ қилингани)

Маълум турдаги Республикадаги давлат ташкилати ташкилати берилди.

Ташкилатнинг алоқаси

ТХШ

153

Мундарица нумари

МШ

144

Давлат бўйхатидаги ўқилган саноатчи почта нумари

МХОБТ

1726266

Ўқилган шох коди

КЛУТ

16556739

Давлат бўйхатидаги ўқилган саноатчи асосий бўйхати турини коди

ХХЛУТ

96210

Саноат ташкилатининг алоқаси рақами

СТПР

201042345



Давлат бўйхатидаги ўқилган саноатчи асосий бўйхати турини коди 26.02.1997 йили 44-қў

Саноат ташкилатининг алоқаси рақами

Ибрагим Мурат Мубаракхожаев

Ибрагим Мурат Мубаракхожаев



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MOLIIYA VAZIRLIGI

Sug'urtalovchilar va sug'urta brokerlarining sug'urta faoliyatini amalga oshirishga

LITSENZIYA

Seriya SF

00228 -son

Ўzbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining 20.08.2015 yil 07 n yanvar dagi

2-SF -sonli buyrug'ga asosan mazkur litsenziya "O'zagsug'urta"

(shartlari qo'shimcha to'liq nom)

aksiyadorlik jamiyati ga

umumiy sug'urta sohasida majburiy va ixtiyoriy shakllarda quyidagi klasslar:

1-klass - Baxtsiz hodisalardan ehtiyot shart sug'urta qilish;

2-klass - Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;

3-klass - Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;

4-klass - Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;

5-klass - Aviatsiya sug'urtasi;

6-klass - Dengiz sug'urtasi;

7-klass - Yo'lidagi mol-mulkni sug'urta qilish;

8-klass - Mol-mulkni olovdan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;

9-klass - Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;

10-klass - Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

11-klass - Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;

12-klass - Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;

13-klass - Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

14-klass - Kreditlarni sug'urta qilish;

15-klass - Kafolatlarni (kafolatlarni) sug'urta qilish;

16-klass - Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;

17-klass - Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha sug'urta faoliyatini amalga oshirishga ruxsat ehtiyladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta adresi): O'zbekiston Respublikasi, 100156,

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, 19-mavze, 61/2-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsion raqami: 201042345

Litsenziya berilgan sana: 20.18.2015 yil 19 - aprel

Reyestr bo'yicha berilgan raqami: 221

Qayd etilgan joy: Xaydarov A.Y.

(61/564)

№ 00228